

**ҲАДИСЛАР
ВА
САҲОБАЛАР
СЎЗЛАРИ
АСОСИДА
МАСИЙҲ^{ас}
ВАФОТЛАРИ**

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Қуръони Каримнинг бир неча оятларида Ҳазрат Масийҳ^{ас}нинг вафот этганлиги айтилган. Жаноб Расулуллоҳ^{сав} ва саҳобаларнинг ақидаси ҳам шундай эди. Келинлар, энг аввало бир қанча ҳадисларни, сўнгра эса саҳобалар^{па} сўзларини кўриб чиқайлик.

МАСИЙҲ^{ас}НИНГ ЁШИ

Ҳазрат Исо^{ас} бир юз йигирма йил умр кечирганлар.

(Алоуддин Али ал-Муттақий: «Канз ул-Уммол», 6-том, 120-бет,
«Доират ул-Муориф ан-Низомия» - Ҳайдаробод 1312-ҳ.)

МАСИЙҲ ВАФОТ ЭТДИЛАР

Агар Ҳазрат Мусо^{ас} ва Исо^{ас} тирик бўлганларида эди, уларда ҳам менга эргашишидан ўзга чора қолмасди.

(Аллома Абдул Ваҳҳоб Шуъроний: «Ал-Явоқийт вал-Жавоҳир» 22-бет,
«Азҳария» матбааси – Миср, 3-нашар, 1321-ҳ.)

Яна бир ривоятда шундай деб ёзилган: агар Ҳазрат Исо^{ас} тирик бўлганларида эди, ул зотда менга эргашишидан ўзга чора қолмасди.

(Ҳазрат Имом Али ал-Қорий:
«Шарҳ Фиқҳ-и-Ақбар Мисрий» 112-бет, 1375-ҳ.)

Жаноб Расулуллоҳ^{сав} нажронлик насороларга тавҳид пайғомини бераётиб: «Сизлар билмайсизларми? Бизнинг Раббимиз тирикдир, У ҳеч қачон ўлмайди, лекин Ҳазрат Исо^{ас} вафот этган эканлар», - деб марҳамат қилдилар.

(Ҳазрат Абул Ҳасан Воҳидий: «Асбоб ун-Нузуул» 53-бет,
1-нашар, 1959 й., «Мустафо ал-Бобий» матбааси - Миср)

ФАЛАСТИНДАН ҲИЖРАТ

Жаноб Пайғамбар^{сав} бундай деб мараҳамат қилдилар: «Аллоҳ таоло Ҳазрат Исо^{ас}га: «Эй, Исо! Бир жойдан иккинчи бир жойга кўчиб юргин, токи биров сени таниб, озор етказмасин», - деб ваҳий қилди».

(Алоуддин Али ал-Муттақий: «Канз ул-Уммол» 2-том, 34-бет)

«Ҳазрат Исо^{ас} хамиша сайру саёҳат қилар эдилар ва шом вақти бўлганда ўрмон сабзавотларини еб, тоза сув ичар эдилар».

(Алоуддин Али ал-Муттақий: «Канз ул-Уммол» 2-том, 71-бет)

МУҲАММАД^{САВ} УММАТИДАН ИМОМ

Жаноб Расулulloҳ^{САВ} Муҳаммад умматидан келадиган Масийҳи Мавъуд тўғрисида башорат бериб туриб: «**Имомукум минкум**», - деб ҳам марҳамат қилдилар. Яъни, сизларнинг Имомингиз ораларингиздан бўлади.

(«Саҳиҳ Бухорий» Китоб ул-Анбиё, Бобу нузули Исо^{АС})

«Саҳиҳ Муслим»даги ривоят буни янада ойдинлаштиради. Ул зот^{САВ} шундай деб марҳамат қилдилар: «**Аммакум минкум**». Яъни, сизларга имомчилик қилади ва ораларингиздан бўлади.

(«Муслим» Китоб ул-Иймон, Бобу баёни Нузул Исо^{АС})

Жаноб Набий^{САВ} шундай деб марҳамат қилдилар: Ҳазрат Мусо^{АС}: «Эй, Раббим! Мени Муҳаммад умматига пайғамбар қилиб қўйгин!» - деб дуо сўрадилар. «У уммат пайғамбари унинг ўзидан бўлади», - деб жавоб берилди. У: «Мени Муҳаммад умматидан қилиб қўйгин!» - деб сўранди. «Сиз олдин ўтиб кетгансиз, улар кейинроқ бўладилар. Ҳа, сиз билан уларни Дорул-Жалол, яъни жаннатда тўплайман», - дея жавоб қилинди.

(Ашраф Али Тҳанвий: «Наишр ут-Таййиб»,

«Адаб манзил Покистон чаук» Карачи - Покистон)

Бир ривоятга кўра Ҳазрат Исо^{АС}: «Мени Муҳаммад умматига Имом Маҳдий қилиб қўйгин!» - деб дуо қилдилар. Шунда Аллоҳ таоло: «У Аҳмад^{САВ} орқали (яъни унинг умматидан) бўлади», - деб марҳамат қилди.

(Садруддин Садр: «Китоб ул-Маҳдий» 112-бет, Техрон, 1966 й.)

БОШҚА-БОШҚА ҚИЁФАЛАР

Жаноб Расулulloҳ^{САВ} Масийҳи Носирий ва Масийҳи Мавъуд қиёфалари бошқа-бошқа эканлигини баён этганлар. Ҳазрат Исо^{АС} ранги қизил, сочи жингалак ва яғрини кенг киши эдилар. Келадиган Масийҳи Мавъуд эса, буғдойранг ва сочи силлиқ киши бўлади».

(«Саҳиҳ Бухорий» Китоб ул-Анбиё,

Бобу вазкур фил-Китоби Маряма)

СЎНГГИ ХИТОБ

Жаноб Расулulloҳ^{САВ} ҳаётларининг сўнгги кунларида саҳоба ризвонulloҳи алайҳимга хитоб қилиб, марҳамат қилдилар: «Эй, одамлар! Менга шундай сўз етиб келган: сизлар ўз Пайғамбарларингиз вафотидан кўрқяпсизлар. Нима, мендан олдин ғайритабиий умр кўриб, ҳамиша

барҳаёт бўлган бирор пайғамбар борми, токи мен ҳам ҳамиша барҳаёт қолайин? Билиб қўйингларики, мен ўз Раббим билан учрашувчиман».

(Аҳмад бин Аби Бакр Хатиб Қистлоний:
«Ал-Мувоҳиб ул-Ладунё» 2-том, 368-бет, «Шарфия» 1908 й.)

САҲОБАЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ ИЖМОЪИ

Мана шу сабабдангина Жаноб Расулуллоҳ^{сав} вафотларидан кейин саҳобаларнинг энг биринчи ижмоъи Ҳазрат Исо^{ас} вафоти бўйича бўлган. Бир неча саҳоба кучли муҳаббат ва қайғу сабабли Жаноб Расулуллоҳ^{сав} вафотини тан олишдан бош тортдилар. Ўшанда Ҳазрат Абу Бакр^{ра} ташриф буюрдилар ва «Оли Имрон» сурасининг 145-оятини тиловат қилдилар:

مَا مُحَمَّدٌ إِلَّا رَسُولٌ قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِهِ الرُّسُلُ

Яъни, Муҳаммад^{сав} фақатгина бир Элчидир. Ул зотдан олдинги барча элчилар вафот этганлар.

Ушбу оятни эшитиб, саҳобалар Жаноб Расулуллоҳ^{сав} вафот этганликларини тан олдилар. Агар бирор-бир саҳоба Ҳазрат Исо^{ас}ни тирик деб билганида эди, у: «Агар Ҳазрат Исо^{ас} элчи бўлиб, ҳозиргача тирик бўлсалар, унда Жаноб Расулуллоҳ^{сав} қандай қилиб вафот этишлари мумкин?» - деб айтган бўларди.

(«Саҳиҳ Бухорий» Китоб ул-Муғозий, Бобу мараз ин-Набий^{сав})

САҲОБА ИЖМОЪИНИНГ БАҲРАЙНДА ЖИЛВАЛАНИШИ

Аҳли Ҳадис фирқасининг асосчиси Муҳаммад бин Абдул Ваҳҳоб бундай деб ёздилар: «Жаноб Расулуллоҳ^{сав} вафотларидан кейин Баҳрайндаги кўплаб кишилар: «Агар Жаноб Расулуллоҳ^{сав} пайғамбар бўлганларида эди, ҳаргиз вафот этмасдилар», - деб муртад бўлиб кетдилар. Ўшанда Набий^{сав} саҳобаси Ҳазрат Жоруд бин Муъалло^{ра} уларга хитоб қилиб, шундай дедилар: «Жаноб Расулуллоҳ^{сав} Аллоҳ таолонинг бандаси ва элчисидирлар. Ул зот худди Ҳазрат Мусо^{ас} ва Ҳазрат Исо^{ас} барҳаёт бўлганлари каби барҳаёт бўлдилар ва худди Ҳазрат Мусо^{ас} ва Ҳазрат Исо^{ас} вафот этганлари каби вафот этдилар». Буни эшитиб, барча одамлар Исломга қайтдилар.

(Муҳаммад бин Абдул Ваҳҳоб: «Мухтасир Сийрат ур-Расул^{сав}»
187-бет, «Дорул-Арабия» Бейрут - Лабнон)

САҲОБА ИЖМОЪИНИНГ КУФАДА ЖИЛВАЛАНИШИ

Ҳазрат Али^{ра} вафотларида Ҳазрат Имом Ҳасан^{ра} хутба ўқиётиб, шундай дедилар: «Ҳазрат Али^{ра} Ҳазрат Исо ибни Марям рухлари кўтарилган кечаси вафот этдилар. Яъни, 27-рамазон кечаси».

*(«Табқот-и-Ибни Саъд» 3-том, 39-бет,
«Дорул-Бейрут» матбааси ва нашириёти)*

ҲАЗРАТ ИБНИ АББОС АҚИДАСИ

Ҳазрат Ибни Аббос^{ра} «*Мутаваффийка*» оятини таржима қилаётиб, бундай дейдилар: «*Мумийтука*». Яъни, Мен сени вафот эттирувчиман.

*(«Саҳиҳ Бухорий» Китобут-Тафсир,
«Ал-Моида» сураси, Бобу мо жаъалаллоҳу мин баҳийратин...)*

МАСИЙҲ БАРҲЎТ ЭКАНЛИГИ ҲАҚИДАГИ АҚИДА

Масийҳ барҳаёт эканлиги ҳақидаги ақидани Қуръон ва ҳадис ҳеч бир ўринда қўллаб-қувватламайди. Аҳмадия Мусулмон Жамоати асосчиси: «Бирор бир ҳадисда Ҳазрат Исо^{ас}нинг моддий жисми билан осмонга кетганлиги зикри учрамайди», - деб баралла эълон қилдилар. Бас, Жаноб Раусулulloҳ^{сав}га мансуб этиладиган ҳар бир кишининг ақидаси худди жаноб Набий^{сав} ва ул зот саҳобалари *ризвонуллоҳи алайҳим* ақидаси каби бўлиши керак. Зеро, шундагина муваффақият ва нажотга эришадилар.